O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 18 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 30 (7329)

Da'vat

Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоғи лозим.

ГЕРАКЛИД

Ibrat

"Оналар ва болалар" йилида Тошлоқ туманида фаолият кўрсатаётган "Ҳабиб Абдулло" фермер хўжалиги жамоаси кўп болали оилаларга ва маҳаллий мактабга юз минг сўмлик маблағ ажратишга қарор қилишди.

КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БИЛАСИЗ?

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг маъносига етиб бориш ва амалий ҳаётимиз қўлланмасига айлантириш зарурлигини таъкидлаб ўтган эди. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Президент Фармойиши ҳам бу муҳим тадбирни амалга ошириш учун яна бир асос бўлди.

Давлат тест марказида дастлаб 1998-2000 йилларда олий ўқув юртларига кириш учун тест синовларидан ўтган абитуриентларнинг тест жавоблари таҳлил қилинган. Энди эса олий ўқув юртида таҳсил олаётган II-IV курс талабаларининг Конституцияга доир билимларини синашга оид тест топшириқлари натижалари таҳлилини ҳавола этмоқчимиз. Бу борада техника ва педагогика олий ўқув юртларининг 4200 дан ортиқ талабалари тест синовларидан ўтказилди.

Qonun va yoshlar

Бўлимлар бўйича тузилган структурага кўра, энг паст кўрсаткич инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари (14,92), асосий принциплар (27,75), давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши (28,7) бўлимларида аниқланди. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари бўлимида энг паст кўрсаткич фуқароликка, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига, фуқароларнинг бурчларига доир тест саволларига берилган жавобларда кузатилди. Талабалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилганини 83,7 фоиз даражада, барча фуқаролар қонун олдида тенглигини 87,6 фоиз даражада биладилар - бу ижобий албатта. Лекин фуқаролиқнинг ўзи нима, Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги давлат билан бир-бирига ўзаро боғлиқ эканлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларига ўз ҳудудидан ташқарида ҳам ҳомийлик кўрсатишга кафолат беришини тўлиқ билмайдилар.

Жамият ва шахс бўлимида талабалар жамиятнинг иқтисодий негизига доир саволларга 21,9 фоиз даражада жавоб берганлар. Улар давлат иқтисодий ҳаётининг асосини, Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишини, шунингдек, жамоат бирлашмаларига доир топшириқларни ҳам паст даражада 29,3 фоиз бажарганлар.

Давлат ҳокимиятини ташкил этиш бўлимида ҳам талабалар билими паст кўрсаткичда. Айниқса, улар Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимиятига доир тестларни ҳал этишда қийналганлар.

Умуман олганда, талабалар умумий таълим тизимида Конституцияга доир энг содда тушунчаларни, ҳуқуқий меъёрларни биладилар. Масалан, Конституция қандай қонун? Конституция қачон қабул қилинган? Давлат тили қандай тил? Давлат рамзлари қачон қабул қилинган? Давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ким? Олий Мажлис нечта депутатдан иборат? Ўзбекистон Республикаси Президенти қандай вазифаларни бажаради? Президентликка неча ёшдан сайланади? Ўзбекистон халқини кимлар ташкил этади? Референдум нима каби саволларга деярли 85-94 фоиз тўғри жавоб берганлар. Чунки бу саволларни 9-синф мактаб ўқувчиси давлат стан-

(Давоми 2-бетда)

Билимли инсон ҳеч қачон хор бўлмайди. Зеро, билим—туганмас хазина. Ундан қанча фойдалансанг, инсонларга улашсанг камаймайди. Аксинча, у кун сайин ортиб, сени юксакликка кўтаради, халқ эъзозига мушарраф этади. Буни дилдан ҳис қилган Муқаддам Шойзоқова ҳам ёшлигиданоқ билим олишга интилиб яшади. Бугун эса бу интилиш, изланишлар самара бермоқда. Ҳозирда у киши Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 49-ихтисослашган иқтидорли ўқувчилар мактабида ёшларга биология фанидан таҳсил бериб келмоқда.

Суратда: "Халқ маъорифи аълочиси", "Вилоят фидойиси" нишонлари соҳибаси, Олий тоифали ўқитувчи Муқаддам Шойзоқова ўқувчиси Алишер Эргашев билан.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Эртага Фарғонада «Ўзбек тили» доимий анжуманининг навбатдаги йиғилиши иш бошлайди

АНЖУМАН СИЗНИ КУТАДИ

Ривоят қилинишича, қадим-қадим замонларда оқил бир одамнинг сулув қизи бўлган эмиш. Шу дилбарга икки йигитнинг ишқи тушибди. Қиз улардан қайси бирига кўнгил беришни билмай қолибди. Йигитлар қизнинг висолига етишиш илинжида елиб-югураверибди. Ниҳоят қиз уларга шундай дебди: "Мен юрт фарзанди бўла оладиган ўғилга она бўлишни истайман. Уни қандай тарбиялашга қодирликларингизни билишим керак. Ана шунга қараб сизларга қароримни айтаман".

"Бу иш фақат менинг қўлимдан келади. Мен унга илм ўргатаман. Риёзиётдан, фалакиётдан сабоқ олади. Сиёсат билан шуғулланади. Ажнабий тилларни эгаллайди... Оламга донг таратади", — дебди биринчи йигит.

Навбат иккинчисига келганда, у айтибди: "Авлодлардан авлодларга мерос қоладиган асосий бойлик — Тил. Она тили бор экан, Ватан бор. Халқнинг умр ўлчовини тили белгилайди. Дунёдаги бор гўзаллик ва сеҳр она алласини эшитганинг — тил бағрида. Мақсадимни англагандирсан? Мен ўғлингни тилига хиёнат қилмасликка, қўшиқ, эртак, достонлар айтиб, сенинг латофатингга латофат қўшиб турган мана шу тил учун жонни ҳам аямасликка ўргатаман".

Tilga e'tibor — elga e'tibor

Бу гаплардан олим йигит қаҳ-қаҳ уриб кулиб, рақибини ақли пастликда айблабди. Ўртадаги тортишув жанжалга айланибди.

"Жанжаллашманглар, — дебди қиз, — юртда улуғ донишманд бор, ўшанинг ҳузурига борамиз. Ҳаммаси ўша жойда ҳал қилинади. Унинг ҳукми менинг учун қонун бўлади".

Донишманд ёнига боришибди. Низо қўзғаган барча гап-сўзларни у тинглабдию, ақли "паст" йигит дебди: "Қиз сени севадими-йўқми, билмайман. Лекин, оталик шарафига сен лойиқсан..."

Бу тарбиявий қимматини йўқотмайдиган ривоят. Биринчидан, у она тили қисмати ва келажаги учун ҳамиша қайғуриш зарурлигини англатади. Иккинчидан, тилини севмаган одам ҳар қанча ўқимишли, довруғдор бўлгани билан ватанпарвар эмаслигини таъкидлайди.

Тилимизга бўлган ҳурмат ва эътибор, фидойилик она тилимиз жонкуярларини айни кўклам гуркираган чоғларда анъанавий йиғинларга тўплайди. Бу анъанавий йиғин анча йиллардан бери ўтказиб келинади.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1989 йил 25 сентябрдаги қўшма буйруғи билан таъсис этилган "Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" доимий илмий-методик анжумани, мана 11 йилдирки фаолият кўрсатиб келяпти. Ўтган давр мобайнида анжуман ўзининг беш йиғинини (Самарқанд — 1991, Қарши — 1993, Жиззах — 1995, Тошкент — 1997, Бухоро — 1999) ўтказди. Анжуманнинг ўтказилган бешта йиғини она тили таълими мазмунини янгилашга қаратилган масалалар, "Давлат тили ҳақида"ги Қонунни амалиётга татбиқ этиш, Давлат таълим стандартларини бажариш, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ТАНИШИНГ: «КАМОЛОТ»ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида. Ёшлар камолоти мустақиллик нафаси билан гуркирамоқда. Уларни ҳар томонлама етук, комил инсонлар қилиб тарбиялаш, эл-юрт равнақи йўлида бирлаштириш янги тузилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз олдига қўяётган мақсадлардан биридир. Республикамизнинг барча вилоятларидан айни пайтда ушбу ижтимоий ҳаракат таъсис қурултойига делегатлар сайланмоқда. Қуйида таълим соҳасидаги делегатларнинг айримлари билан таништирамиз.

Ўқитувчилик энг улуғ касбларнинг бири. Манзура Очилова ҳам ўзини шу касбга бағишлаганлардан. Манзура Очилова асли хоразмлик. Ҳозирда Урганч Давлат университетида таҳсил олаяпти. Ёш, ғайратли, тиниб-тинчимас бу талаба Урганч туман енгил саноат коллежида ёшлар етакчиси. Шунча вазифалари билан биргаликда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини ташкил қилишда фаол иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис қурултойига номзоди кўрсатилганлар қаторида Хоразм вилоятидан делегат этиб сайланганлиги ҳам бунинг яққол исботидир.

* * *

Спортга берилаётган имкониятларнинг чеки йўқ. Албатта, бу имкониятлардан спортчиларимиз ҳам жуда яхши фойдаланишяпти. Буларнинг натижаларини биз бугунги кунда телевидение ва радиода ҳамда матбуотимиз саҳифаларида кўплаб учратишимиз мумкин. Спортимиз ривожига ҳисса қўшаётган мард, жасур, тиришқоқ инсонларданАлишер Мамазияевдир.

Бокс бўйича мураббий, спорт устаси Алишер Мамазияев 1973 йил 1 ноябрда Қўқон шаҳрида таваллуд топди. 1994 йил Қўқон Давлат педагогика институти жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди. Эндиликда у жисмоний тарбия ўқитувчиси. Ҳозирги кунда Қўқон шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бокс бўйича мураббийлик қилмоқда. Алишер Мамазияев Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис қурултойига делегат этиб сайланди. Фарғоналик ёшлар унга ўз ишончларини билдиришди.

* * *

Мастура Ҳакимова— 1984 йил 9 апрелда Сирдарё вилояти Ховос туманида таваллуд топган. Ҳозирда тумандаги 6-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси. Мактабда яхши билим олиш билангина чекланиб қолмай, ташкилий ишларда ҳам фаол қатнашади. Фанларни ўз вақтида ўзлаштиради.

(Давоми 2-бетда)

ЎҚИТУВЧИЛАР — ҚУРУВЧИЛАР

ёхуд чала қолган мактаб биносини ўқитувчилар ўзлари қуриб битказишмоқчи

Узун туманидаги 2-мактаб ўқувчилари учун 1998 йилда 250 ўринли мактаб биноси қурилиши бошланган эди. Нима бўлдию, муаллимлар ва болалар қувончи узоққа чўзилмади. Мактаб биносини қуриш ишлари тўхтатилди. Қурилиш нима сабабдан тўхтаб қолгани ҳаммага аён. Бинони қуриш учун маблағ топиш муаммо бўлиб қолган эди.

Шу йилнинг бошида, яъни январь ойида мактаб директори Ибодулла Хўжаев ажойиб бир ташаббусни бошлади. У ҳамкасбларини бир ерга тўплаб фикрини уларга баён этди. "Ҳаммамиз мактабда таълим олаётган 650 нафар қоракўзнинг таълим-тарбияси, уларнинг пухта билим олиши учун ишлаяпмиз. Қурилиши битмай қолган бинони ўзимиз ҳашар йўли билан қурсак-чи. Чунки, пойдевор қурилган, синч кўтарилган, биздан озгина меҳнат кетади, холос", деди. Бу сўзлар барча ўқитувчиларнинг дилидаги гап эканми, улар ҳам рози бўлишди. Дарсдан сўнг барча муаллимлар мактабда қолиб гувала қуйишди, қурилиши тугалланмай қолиб нураётган бинонинг у ёқ-бу ёғини тузатишга киришишди.

Бу ташаббусни эшитган туман ҳокими Абдувоит Турдиев ҳам ҳашарга ўз ҳиссасини қўшди. Узун туманидаги барча мактаб ўқитувчиларининг бир кунлик маошларини 2-мактабга ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди. Бундан тумандаги 58 та мактабнинг ҳеч қайси ўқитувчиси норози бўлмади. Чунки туман фарзандларини саводли, билимли қилиш, уларда она-Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтириш барча ўқитувчининг мақсади-дир.

«Шу кунгача бинони деярли қайта қуриб чиқдик. Барча ўқитувчилар дарсдан сўнг, мактабда қолиб ишлашди. Бизга ота-оналар, юқори синф ўқувчилари катта ёрдам беришди. Яқин кунларда янги бинода ҳам ўқишлар бошланади, деди биз билан суҳбатда И.Ходжаев.

Бир мақсад йўлида хизмат қилаётган, йўқдан бор қилаётган одамлар республикамизда кўплаб топилади. Ана шулардан бири Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 2-мактаб жамоасидир.

Янги мактабда ўқиш болалар руҳини кўтаради. Улар яхши ўқишга, одобли ва илмли бўлишга яна ҳам кўпроқ ҳаракат қилишади, деб ўйлаймиз.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

Tajriba, tahlil, taklif

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ СИФАТИ ҚАНДАЙ?

Маълумки, янги ташкил этилаётган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида физика, кимё ва биология фанларидан махсус лабораториялар мавжуд бўлиб, уларнинг жиҳозланишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Хўш, бугунги кунда табиий фанлар бўйича амалий машғулотларнинг ўтказилиши қай даражада, лаборатория ишларининг бажарилиш ҳолати қандай?

Гулистон Давлат университети қошидаги Янгиер академик лицейида бўлиб ўтган "Аниқ ва табиий фанлар бўйича ўқувчилар билимини мустаҳкамлашда лаборатория ишларининг роли" мавзусидаги республика семинар-кенгашида ана шу масалалар атрофлича таҳлил қилинди. Семинар-кенгашда республикамизда фаолият кўрсатаётган академик лицейлардан 80 нафардан ошиқ физика, кимё ва биология ўқитувчилари, амалиётчилар ва олимлар иштирок этишди.

Шундай қилиб, ўқув муассасаларида фронтал лаборатория ишларининг ўтказилиш ҳолатини таҳлил қилсак, бу жараён барча ўқув юртларида бир хил талабга тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз. Аввало, фронтал лаборатория маш-ғулотлари деганда, ҳар бир ўқувчининг ўқитувчи назорати остида мустақил, ўз қўли билан ўтказадиган тажрибалари тушунилади. Барча академик лицейларнинг ЎМКҲТ Маркази томонидан жиҳозланиш даражаси бир хил бўлишига қарамай, уларда турлича манзарани кузатиш мумкин. Масалан, айрим академик лицейларда бир неча лаборатория ишларини бажаришга эришилган бўлса, бошқа жойларда лаборатория машғулотларининг ўтказилиши талабга жавоб бермайди. Бунинг асосий сабабларидан бири фронтал лаборатория ишини бажаришга зарур бўлган асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги бўлса, иккинчи сабаби ўқитувчиларнинг лаборатория машғулотларига алоҳида эътибор бермаётганликларидир. Шунинг-

(Давоми 2-бетда)

ЎРИНДИҚСИЗ ПАРТАЛАР

ёки "Ўзмебелтаъминот"нинг Самарқанд мебел ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари эътиборига!

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини кўнгилдагидек бажаришда олий ўқув юртларини, умуман, илм масканларини жиҳозлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Хўш, бу борада ишлар кўнгилдагидек бораяптими?

Биз шу савол билан Самарқанддаги чет тиллар институти ректори Юсуф Абдуллаевга мурожаат қилган эдик. Домланинг фиғони кўкка ўрмалади. Кўнглидаги гап бўлди, шекилли, қўлимизга ҳасратли қоғоз тутқазди.

Марҳамат, хатни айнан келтирамиз, хулосани ўзингиз чиқариб оларсиз.

"Директор жаноблари!

Бундан икки йил илгари сизнинг ваўдангизга ишониб мебеллар олиш бўйича корхонангиз билан шартнома тузган эдик. Бугунга келиб корхонангиз ҳисобига жами ўтказган маблағимиз 8 миллион 856 минг сўмни ташкил этди. Бироқ сиз шартнома талабини асоссиз равишда бажармаяпсиз. Бир қисм етказиб берган мебелларингиз эса, ниҳоятда сифатсиз ишлаб чиқарилган: ҳам мақол, ҳам мисол — далил сифатида айтишимиз мумкин — тўрт мих ўрнига бир мих қоқилган, 28 дона партани эса умуман ўтирғичларсиз

Vo, ajab!

жўнатибсиз. Буни нима деб аташ мумкин?.. Корхонангиз бугун институтимиздан 747 минг сўм қарздор. Ходимларимиз қатнашу ваўдалардан чарчашди. Шартнома тузилган пайтда бир дона ўқув стол-стули 9830 сўм турган бўлса, бугунги кунга келиб у 22 минг сўм. Ортиқча сарф-ҳаражатни ким кўтаради? Бизни худди шу масала ташвишга соляпти. Чунки ўқув даргоҳи давлат ҳисобида, унда халқ фарзандлари — эртанги кунимизнинг эгалари таълим олишаяпти. Улар "Домла, бу янги мебелнинг қайси жойига ўтирайлик", деб сўраб қолишса, биз нима деб жавоб берамиз?

Энди бир жўяли гап. Марҳамат қилингда, институтга келиб, сифатсиз мебелингизни қайтариб олиб кетинг.

Таассуфлар билан Самарқанд Давлат чет тиллар институти жамоаси номидан ректор Юсуф Абдуллаев"

Домланинг бу номаси корхонага жўнатилган, эрта-индин мебелнинг эгалари институтга келиб қолиши турган гап. Лекин бу аччиқ гаплардан "Ўзмебелтаъминот" уюшмаси раҳбарлари ҳам тегишли хулоса чиқаришса, ёмон бўлмасди.

Адҳам ҲАЙИТОВ, "Туркистон-пресс" мухбири

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили билан ҳамкорликда "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш механизмини такомиллаштириш" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Агросаноат мажмуининг жорий йил биринчи чораги иш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

• Қашқадарё вилояти ҳокимлигида "Миллий ғоя—бизнинг ғоя" мавзусида семинар ўтказилди.

• "Ўзкўргазмасавдо" марказида "Фарғона водийсининг экспорт имкониятлари" савдо кўргазмаси очилди.

• Жорий йилнинг ўтган уч ойи мобайнида Россия чегара хизмати ходимлари томонидан 28 миллион рубл ва 180 минг доллариқдан ортиқ контрабанда маҳсулотлари мусодара қилинди.

• Хитой раҳбари Цзян Цзямин расмий ташриф билан Кубага келди.

• Яқин Шарқда юзага келган кескин вазиятни муҳокама қилиш учун Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат Миср Президенти Ҳусни Муборак билан учрашадиган бўлди.

• Россиянинг НТВ телеканали раҳбарлигидан бўшаган Е.Киселёв Борис Березовский томонидан Москванинг ТВ-6 телеканалига директор этиб тайинланди.

• Буюк Британия Бош вазири ўринбосари Жон Прескотт АҚШнинг Киото протоколига нима сабабдан қўшилмаётганини ўрганиш мақсадида Вашингтонга йўл олди.

• Исроил ҳарбий самолётлари Суриянинг радиолокация станциясини бомбардимон қилганлигини расман тан олди.

"Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим".

Таъкидлаш жоизки, берилган жиҳозлар асосан кўргазма характерига эга бўлиб, намойиш учун мўлжалланган ва физиканинг барча бўлимларини қамраб ололмаган.

КОНСТИТУЦИЯНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА БИЛАСИЗ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

дартига кўра тўлиқ ўзлаштириб олган. Лекин талабалар Конституциянинг асосий меъёрлари билан бир қаторда у ёки бу конституциявий қоидани амалий ҳаётга тадбиқ этишни ҳам билишлари зарур. Масалан, референдум бу умумий овоз бериш эканлигини талабаларнинг ўртача 94 фоизи билгани ҳолда, шу масалага алоқадор бўлган референдумга қандай масалалар қўйилишини, референдум ўтказишнинг айрим тартиб-қоидаларини ўртача 47 фоиз талабаларгина билади. Ёки жамоат бирлашмаларига қайси ташкилот, уюшма ва ҳоказолар киришини 89 фоиз талабалар билгани ҳолда, айнан шу масалага тегишли қандай бирлашмалар тузиш ва қандай ҳолларда унинг фаолияти таъқиқланишини 51 фоиз талабалар билади, холос.

Юқоридаги таҳлил натижалари бизни бироз ҳушёр торттиради. Чунки бугунги кунда биз ёшларимизнинг Конституцияни ёддан билишларига эмас, балки унинг маъно-мазмунини теран англашларига эришишимиз лозим.

Ёшларимизнинг кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларини чуқур ва ҳар томонлама теран ўзлаштириб олмаганлар, Конституциянинг маъно-мазмунини чуқур билмаганликлари сабабли, ҳаётга тадбиқ этиб, доимий қўлланмага айлантиришга қийналаётганлари сезилди.

Ёшларимиз Конституциянинг асосий қоидаларини билиш билан чекланиб қолганлари боис, бу қоидалардан келиб чиқадиган меъёрларни тўлиқ ўзлаштира олмаганлар.

Олий ўқув юртларида бу муҳим тарихий ҳужжатга адабиётлар етишмаганлиги сабабли, талабаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қўшимча мустақил ҳолда ўрганишлари учун имконият етарли эмас.

Ёшлар, айниқса инсон ва фуқароларга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни тўлиқ билмайдилар. Таҳлил натижасида шу нарса аниқландики, ёшларимиз ўзларига тегишли ҳуқуқ ва эркинликларни ўртача - 52,5 фоиз биладилар. Бурчларни эса, 74,6 фоиз биладилар. Бурчларни бундай даражада билиш жуда яхши. Лекин фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир пайтда ҳуқуқ ва эркинликларга бундай муносабат ёшларимизнинг мустақил фикрлашларига, ўз ҳақ-ҳуқуқини бошқалардан талаб этишга, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига тўсқинлик қилмасмикин? Президентимиз таъкидлаганидек, Конституцияда давлат манфаатлари эмас, аввало инсон манфаатларини таъминлаш устувор йўналиш қилиб белгиланган-ку. Бу қоидаларни ҳар бир одам юрагидан ўтказиши ва унинг ҳаётига қандай таъсир қилишини англаб етмоғи лозим. Шунинг учун ҳам Президент И.Каримов "Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим", деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясини олий ўқув юрти талабалари ўртача 47,02 фоиз даражада биладилар. Абитуриентлар эса, 51,5 фоиз биладилар. Фикримизча, бунинг сабаби биринчидан, абитуриентларнинг олий ўқув юртига кириш учун тайёргарлиги пастлигидан бўлса, иккинчидан олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясини I курсда "Ҳуқуқшунослик" фанида ўргансалар-да, II, III, IV курсларда бунга доир тушунчалар ёддан кўтарилган ёки уни ўрганишга кам аҳамият берилган.

Тадқиқотимиз натижасида қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтирамиз:

Конституцияни нафақат ёддан билиш, балки моддаларнинг маъно-мазмунини тушуниб, ҳаётга тадбиқ этишни ўрганиш лозим. Масалан, ҳар бир инсон отаонани ҳурмат қилишни, унга ғамхўр бўлишни билади. Лекин улар бу ҳуқуқий меъёрнинг Конституцияда белгилаб қўйилиши ҳар бир инсонга жуда катта мажбурият юклашини, бунга риоя этилмаса, ҳуқуқбузарлик келиб чиқишини, унинг бажарилишини давлат талаб этаётганлигини ҳам мукаммал билишлари зарур. Барча ўқув юртларида Конституциянинг ана шу жиҳатларини ёшларга ўргатиш лозим.

Конституцияни ўрганишда таълимнинг узвийлигини таъминлаш зарур. Масалан, мактабгача таълим муассасаларида болаларга "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир" деган қоида ўргатилса, бошланғич синфда (I-IV синфда) давлат тили ўзи нима, ўзбек тилининг бошқа тиллардан фарқи, унинг аҳамиятини билиб оладилар. V-IX синфларда эса Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги Қонунини, унинг асосий мазмун-моҳиятини, унинг нима учун қабул қилинганини билиб олишлари керак. Ўрта махсус ва олий ўқув юртларида "Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг амалга оширилиши, Давлат тилининг асосий хусусиятларини, унинг жаҳонда тутган ўрнини, мустақиллик шароитида давлат тилининг аҳамиятини, давлат тилига ҳурматсизлик содир этилганда ҳуқуқий жавобгарликлар белгиланишини, давлат тилида иш юритиш қоидаларини ва ҳоказоларни билиб олишлари лозим. Буларнинг барчасини нафақат "Ҳуқуқшунослик", "Конституциявий ҳуқуқ" фанлари таркибида, балки бошқа фанлар — она тили, адабиёт, тарих, география, диншунослик, биология каби фанлар таркибида ҳам ўргатиш зарур.

Маълумки, Конституцияда ҳар бир соҳага тааллуқли қоидалар мавжуд. Барча ўқув юртларида ҳар бир фан учун асосий манба бўлиб Конституция хизмат қилиши лозим. Ҳар бир соҳага тегишли мавзу ёритилишида, биринчи навбатда, Конституцияга мурожаат қилишни ўрганмоғимиз зарур. Сўнгра бошқа қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мурожаат этишимиз лозим.

Барча ўқув юртлари кутубхоналарида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" бўлишини таъминлаш лозим.

Конституцияни ўргатишда ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш зарур. Бу усуллардан фойдаланилганда, таълим олувчилар бирон-бир қоиданинг қайси боб ёки бўлимга тегишли эканлигини билиб оладилар. Масалан, умумий ўрта таълим тизимида ёшлар "Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир" деган конституциявий қоидани унинг қайси бобига, бўлимига тегишли эканлигини топишлари зарур. Бунинг учун дарс методикасини ишлаб чиқиш лозим.

Барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун Конституциядан тест синовларини ташкил этиш зарур. Таълим босқичларида Конституцияни ўрганиш учун дарсдан ташқари тадбирлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Конституциянинг ҳаётдаги ифодасига доир мисоллар келтирилиши лозим. Шундагина, биз Конституцияни ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантира оламиз.

М.МУҲИТДИНОВ,
Давлат тест маркази директори, профессор,
Ҳ.ТЎЙЧИЕВА,
Давлат тест маркази эксперти

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 19-"Ғунча" болалар боғчаси намунали тарбия масканларидан бири. У ерда 11 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 220 нафар кичкинтой тарбияланаётир. Боғчада мурғак қалбларнинг маънан, жисмонан соғлом, бакувват бўлиб вояга етишлари учун барча қулайлик мавжуд. Каратэ, рақс, моҳир қўллар, компьютер ўргатиш каби тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатмоқда.



Суратда: тажрибали тарбиячи Мусаллам Шерқобилова болаларга компьютерда исмларини ёзишни ўргатаётир.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

Diqqat, tanlov!

БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ренспубликаси «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мамлакатимиз Конституциясининг мазмун ва моҳиятини ўрганиш, энг яхши тасвирий воситалар орқали ёритиш, тарғибот-ташвиқот қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашни назарда тутган ҳолда «Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» шиори остида республика кўрик-танлови ўтказишмоқда.

Кўрик-танловнинг ҳамма босқичларини юқори савияда ўтказишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам белгиланиб, мазкур қарор ижросини назорат қилиш масъул кишилар зиммаларига юклатилади.

«Конституциямиз — бахтимиз пойдевори» шиори остида ўтказилаётган Республика кўрик-танловининг низоми қабул қилиниб, танловни ўтказиш бўйича ҳайъат таркиби тасдиқланди.

Қуйида кўрик-танловнинг низоми берилмоқда.

1. Умумий қоидалар

Танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Бадиий академия ҳамда уларнинг жойлардаги бўлинмалари, муассаса ва ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилади.

Танловда ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар, ижодкорлар, мактаблар, педагогика ўқув юртлари, маҳаллалар жамоалари иштирок этишлари мумкин.

II. Танловнинг мақсадлари

Кўрик-танловнинг асосий мақсади — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, мамлакатимиз Конституциясининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, энг яхши тасвирий воситалар орқали ёритиш, тарғибот-ташвиқот қилишдан иборатдир.

III. Танловнинг шартлари

Кўрик-танлов қуйидаги йўналишларда ўтказилади:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билимдонлари аниқланади (бошланғич синфларда диктант, 5—7-синфларда баён, 8—11-синфларда иншо);
- Конституциянинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи тасвирий, тарғибот воситалари (расмлар, плакатлар, фотосуратлар, чизмалар ва ҳ.к.) тақдим этилади.

Кўрик-танловга тақдим этилган ишлар асосан қуйидаги мавзу ва йўналишларни қамраб олиши мақсадга мувофиқдир:

а) Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ва Она-Ватан тимсоллари;

б)Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва кафолатларининг Конституциядаги ифодаси;

в) Ўзбекистоннинг давлат тизими билан боғлиқ модда ва қоидаларнинг ифодаси ва ҳ.к.

IV. Танловнинг босқичлари

Кўрик-танлов тўрт босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич — апрель-май ойларида мактабларда ва маҳаллаларда.

Иккинчи босқич — июнь-июль ойларида туманлар (шаҳарлар) миқёсида.

Учинчи босқич — август-сентябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида.

Тўртинчи, республика босқичи — декабрь ойида, Конституция куни арафасида Тошкент шаҳрида.

V. Ғолибларни тақдирлаш

Танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан ташкил этиладиган ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланиб, тақдирланади.

Кўрик-танловнинг республика босқичи ғолибларига қуйидаги мукофотлар топширилади:

- Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, уларга пухта билим бериш, тарғиб қилиш, безаш йўналишида юқори натижаларга эришган мактаб жамоасига — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мукофоти — замонавий IBM русумли компьютер синф-комплекти (12 млн. сўм).
- Конституциянинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилишда юқори натижага эришган маҳаллага республика "Маҳалла" жамғармасининг мукофоти — қимматбаҳо совринлари.
- Конституциянинг мазмун-моҳиятини энг яхши тасвирий воситалар ва ёзма иш орқали ифодалаган ғолибларга Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг қимматбаҳо совринлари.
- Конституциянинг мазмун-моҳиятини энг яхши расмлар ва фотосуратларда ифодалаган ғолибларга — республика Бадиий академиясининг қимматбаҳо совринлари.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг республикамизда амал қилишини рисолаларда ифодалаган ғолибларга Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг қимматбаҳо совринлари.

Tadbir

ПСИХОЛОГИЯ — КЎНГИЛ КАЛИТИ

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги Бошланғич таълим-тарбия марказида туман халқ таълими бўлими ҳамда ташхис маркази ҳамкорлигида "Болалар боғчаларида психологик хизматни тўғри ташкил этиш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Анжуманга туман болалар боғчаларининг психологлари, услубчилари, мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича доимо ишлаб турувчи республика курси ҳамда шаҳар малака ошириш институтининг мутасадди ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда БТТМда олиб борилаётган илғор иш тажрибалар билан танишилди. Жумладан, мактаб психологи Насиба Мансурова болалар нутқи, тафаккури, кўриш-сезиш қобилиятларини ривожлантириш, уларда мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини, ўқишга интилиш майлларини шакллантириш, диққатни жалб қилиш, илк математик тасаввур ва табиатга ҳамда ўқув қуролларига муносабатга оид машғулотлар намойиш этди.

ТХТБ ташхис маркази психологи Нозима Муллабоева "Боғчада психологик хизматнинг аҳамияти" мавзусидаги маърузасида болани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг шахсини ўрганиш, шароитга мослаштиришда психологик хизматнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади.

Семинар қатнашчилари, шунингдек, психологик ҳужжатлар, уларнинг юритилиши, иш жараёнида зарур бўладиган услубий ва кўргазмали қўлланмалар билан танишдилар.

Анжуман давомида БТТМ тарбияланувчилари ўзларининг жозибали қўшиқ ва рақслари билан меҳмонларни хушнуд этдилар. Боят қизиқарли ўтган тадбир унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Дилбар ХЎЖАЕВА,
"Маърифат" мухбири

ТАНИШИНГ: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мастура устозлар билимини оқлаб, келажакда Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш учун ўз билими билан одимламоқда. У ўз тенгдошлари орасида катта ҳурмат қозониб, ўрнак бўла олади. Мастура устозлари меҳрини қозона олган ўқувчи.

Мастурага келгуси ишларида улкан муваффақиятлар тилаб, ўзи танлаган касбнинг моҳир устаси бўлишига ишонч билдирамиз.

* * *

Ўқитувчилик касбининг нақадар мураккаб эканлигини, у масъулият, тиришқоқлик, изланувчанлик талаб қилишини ҳаммамиз биламиз. Мана шундай талабчан, изланувчан, тиришқоқ ўқитувчилардан бири Дилшод Мусиновдир.

Дилшод Мусинов 23 ёшда. 1999 йил Самарқанд Давлат университетининг тарих бўлимини тугатди. Ҳозирги кунда Тойлоқ туманидаги 25-мактабда тарих фанидан дарс бераяпти. Ёш бўлса-да, ўз иши устида тер тўкиб меҳнат қилаётган Дилшоджон бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис қурултойига Самарқанд вилоятидан делегат этиб сайланди. Эндиликда у ўз устида тинимсиз ишлаб, изланишга ҳаракат қилмоқда ва бундан кейин ҳам унга берилган ишончга содиқ қолган ҳолда меҳнат қилиб, ёшлар ишончини оқламоқчи.

* * *

Халқимизда: "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" деган нақл бор. Устозликнинг энг улуғи, назаримизда, муаллимликдир. Айбек Алланиязов ҳам ана шу касб фидойиларидан. Ёшлигиданоқ тарихга қизиққан Айбек Қорақалпоқ Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, 1998 йил уни муваффақиятли тамомлади. Ҳозирда эса Айбек Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги Агросервис коллежида талабаларга тарих фанидан сабоқ бермоқда. У янги тузилажак "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ишчи гуруҳининг фаол аъзоларидан бири. Бу ишда унга ёшлар билан ишлаш, уларнинг кўнглига йўл топа олиш маҳорати қўл келмоқда. Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис қурултойига Қорақалпоғистон Республикасидан делегат этиб сайланиши ҳам бунинг яққол далилидир.

КУТУБХОНАДА БИР КУН

Республика Давлат болалар кутубхонасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда кутубхонанинг Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Мирсоат Исҳоқов кутубхонада Миллий истиқлол ғоясининг тарғиб этилиши, болалар ва ўсмирларнинг маънавиятини бойитиб, уларга илмий-маърифий билимлар берилаётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Кутубхонада янги технологияларнинг жорий этилаётганлиги, шунингдек, "Соғлом авлод" Медиа маркази фаолияти ҳақида кутубхонанинг маънавият-маърифат ва санъат бўлими бошлиғи Ноила Рўзматова сўзлаб берди.

Кутубхона қошида ташкил этилган "Баркамоллик" психологик марказининг болалар ва ўсмирлар билан олиб бораётган ишлари ҳақида шу марказ руҳшуноси Венера Эрматова сўзлади.

Талабалар кутубхона бўлимлари фаолияти билан ҳамда китоб кўргазмалари билан яқиндан танишдилар. Уларни "Медиа марказ" қошида ташкил этилган компьютер кутубхонаси тўплаган ҳозирги давр учун қимматли бўлган адабиётлар кўпроқ қизиқтирди.

Динара АБДУЛХАЙРИХОНОВА

ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ СИФАТИ ҚАНДАЙ?

(Давоми. Боши 1-бетда)

дек, лаборатория машғулотларига ажратилган соатлар миқдорининг камлиги учун ҳам лаборатория ишлари тўлиқ бажарилиши таъминланмаяпти, деб ўйлаймиз. Биргина физика фани бўйича фронтал лаборатория машғулотларини ўтказишда бугунги кундаги муаммоларга тўхталиб ўтайлик. Биринчидан, лаборатория хонасининг жиҳозланишида қатор муаммолар мавжуд. Академик лицейларнинг физика лабораториялари Жанубий Кореяда ҳамда Самарқанддаги "Эл" фирмасида ишлаб чиқарилган замонавий ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Таъкидлаш жоизки, берилган жиҳозлар асосан кўргазма характерига эга бўлиб, намойиш учун мўлжалланган ва физиканинг барча бўлимларини қамраб ололмаган. Масалан, механика, молекуляр физика, атом ва ядро физикаси бўлимлари бўйича асбоб-ускуналар деярли йўқ. Ўзгармас ток қонунлари, магнит майдони, электромагнит индукция, электромагнит тебранишлар мавзулари бўйича фронтал лаборатория ишларини бажариш учун эса ушбу жиҳозлардаги зарур асбоб-ускуналарни бирлаштириб, лаборатория қурилмасини яратиш билан бир нечтагина ишни бажаришга эришиш мумкин. Физиканинг бошқа бўлимлари бўйича режалаштирилган лаборатория ишларини бажариш учун эса яна қўшимча асбоб-ускуналар бўлиши керак. Демак, ўқув дастурида мўлжалланган фронтал лаборатория ишларини бажариш учун фақат берилаётган жиҳозларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун лаборатория асбоб-ускуналарини бойитиш бўйича тинмай изланишлар олиб борилиши лозим. Буни ўқув муассасасида мавжуд эски заҳиралардан унумли фойдаланиш; олий ўқув юртлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий текшириш институтлари, ўрта мактаблар ва бошқа ўқув муассасалари билан яқиндан алоқа боғлаб, ўзаро келишув асосида улардаги ортиқча асбоб-ускуналарни келтириш; ўқитувчилар ва ўқувчилар томонидан айрим содда лаборатория қурилмаларини яратиш ва бошқа усуллар орқали амалга ошириш мумкин. Шунингдек, лаборатория машғулотларини ўтказиш учун олий ўқув юртлари ва илмий-техника институтлари лабораторияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, лаборатория ишларини ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар, лаборатория ишлари тавсифлари ишлаб чиқилиши зарур. Учинчидан, лаборатория машғулотларини ўтказиш ўқитувчидан жуда катта билим, тажриба ва маҳорат талаб қилганлиги боис уларга услубий ёрдам кўрсатиш, лаборатория машғулотларини ўтказиш бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш зарур.

Кўриниб турибдики, лаборатория машғулотларини тўғри ташкил этиш, фронтал лаборатория ишларини бажариш сифати ва самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ экан. Ўқитувчи жонкуяр, изланувчан, фаол ва ташаббускор бўлган ўқув муассасаларида натижалар ҳам яхши.

Шу маънода республика семинар-кенгашининг айнан Гулистон Давлат университети қошидаги Янгиер академик лицейида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Академик лицейда бугун ушбу фанлар бўйича лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, физика лабораторияси лицей раҳбарияти ва ўқитувчилар томонидан кўплаб асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан бойитилган бўлиб, бу ерда 100 дан ортиқ фронтал лаборатория ишларини бажариш имконияти яратилган.

Шу сабаб, бу илм даргоҳини республикамиздаги намунали физика лабораторияси деб ҳисоблаш мумкин. Лицей ўқитувчилари томонидан физикадан 70 та, кимёдан 47 та, биологиядан эса 53 та лаборатория ишларининг тавсифлари ишлаб чиқилган ва семинар-кенгашда мутахассислар муҳокамасига тавсия қилинди.

Маълумки, физика, кимё ва биология табиий фанлар бўлиб, тажрибага асосланган. Семинар-кенгашнинг ялпи мажлисида сўзга чиққан мутахассислар томонидан ҳам ушбу фанларни чуқур ўрганишда, ўқувчиларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашда ва фанга бўлган қизиқишларини оширишда лаборатория ишларининг роли беқиёс эканлиги таъкидланди. Жумладан, ТДЮИ, Урганч Давлат университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2-Тошкент Тиббиёт институти, Навоий Давлат педагогика институти, Гулистон Давлат университети каби олий ўқув юртлари қошидаги академик лицейлар ўқитувчиларининг маърузалари муҳим муаммоларга қаратилган бўлиб, семинар-кенгаш иштирокчиларига маъқул бўлди. Шунингдек, лаборатория машғулотларини ўтказиш учун ҳар бир ўқитувчи катта маҳорат, тажриба ва чуқур билимга эга бўлиш билан бир қаторда ижодий изланувчан, жонкуяр ва фаол бўлиши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Семинар-кенгашнинг иккинчи қисми шўъбалар ишига бағишланган бўлиб, у ерда қизғин мунозаралар давом этди. Шўъбаларда қилинган маърузалар лаборатория машғулотларини ўтказишни такомиллаштиришга бағишланди. Ҳар бир шўъбада мутахассислар тавсиялар ишлаб чиқдилар. Шу ўринда семинар-кенгаш иштирокчилари фронтал лаборатория машғулотларини ўтказиш учун физика, кимё ва биология лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва керакли материаллар билан таъминлаш лозимлигига, шу мақсадда республикамизда ўқув жиҳозлари, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, такомиллаштириш ва кенгайтириш зарурлигига алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, "Эл" фирмасида ишлаб чиқарилаётган ўқув маҳсулотлари талабга тўлиқ жавоб бермаслиги ва бу ерда ишлаб чиқилган воситаларда қатор камчиликлар мавжудлигини таъкидлаб ўтдилар. Масалан, физика, кимё ва биология лабораторияси учун ишлаб чиқилган проекцион кўргазмали материалларда кўплаб хатолар мавжуд, айниқса биология бўйича барча рангли расмлар, жадваллар нотўғри белгиланган ва изоҳланган, уларнинг кўпчилик қисми ўқув дастурига мос келмайди; биологиядан тайёрланган гербарийлар эса фақат ўсимликларнинг япроғи ва қисман поясидан иборат бўлиб, ўқувчига ўсимликнинг илдизи, пояси, гули ва меваси тўғрисида тўлиқ маълумот бермайди; кимё лабораторияси учун берилган реактивлар миқдори жуда кам бўлиб, фронтал лаборатория ишларини ўтказишга етмайди; кимё лабораториясидаги айрим идишларнинг сифати лаборатория ишларини ўтказиш талабига жавоб бермайди, шунингдек, пробиркаларни қўйишга штативлар, тагликлар берилмаган; физика лабораторияси учун тайёрланган асбоб-ускуналар асосан кўргазма ва намойиш характерига эга ва ҳоказо. Ана шундан келиб чиқиб, "Эл" фирмасида ишлаб чиқарилаётган кўргазмали қуроллар, ўқув жиҳозлари сифатини оширишга жиддий эътибор бериш ва уларни мутахассислар, олимлар ҳамда услубий кенгаш муҳокамасидан ўтказиш лозим деб топилди.

Мавлуда НИШОНОВА,
ЎМКҲТ Маркази бош мутахассиси

АНЖУМАН СИЗНИ КУТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуман тавсиялари асосида она тили таълими мазмуни янгиланди. Хусусан, умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфлари учун профессор Ҳ.Неъматов раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан она тили дарсликларининг янги авлоди яратилди ва педагогик амалиётга йўл олди.

Янги йўналишдаги, янги мазмундаги 5-, 6-, 7-синф "Она тили" дарсликлари (1998-2000 йиллар) "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилди. 8-синф дарслиги эса нашрга тайёрланди.

Ҳар бир анжуман мавзуси бўйича "Ўқувчилар сўз бойлигини ошириш", "Тилсим топишмоқлари — нутқий фаолиятни шакллантириш омили", "Она тилини ўқитишнинг янги технологияси", "Халқ оғзаки ижодий тили — нутқ ўстириш манбаи" каби 20 га яқин номдаги методик қўлланмалар чоп этилди.

Анжуманнинг ҳар бир йиғини алоҳида мавзу муҳокамасига бағишланади. Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, Фарғона вилоятида 2001 йил 19-20 апрель кунлари "Она тили — ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг асосий омили" мавзусида "Ўзбек тили" доимий анжуманининг олтинчи йиғини ўтказилади. (Анжуман 19 апрель соат 10.00 да Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят театрида ўз ишини бошлайди).

Анжуманда мактабгача таълим муассасалари мутахассислари, умумий таълим мактаблари ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, тилшунос ва методист олимлар, илмий ходим ҳамда аспирантлар иштирок этадилар.

Улар "Мактабгача таълим", "Бошланғич синфларда она тилини ўқитиш", "Умумий таълим мактабларида она тили", "Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда давлат тили таълими", "Олий таълимда ўзбек тили", "Махсус таълим муассасаларида она тили", "Эски ўзбек ёзуви" каби шўъбаларда иш олиб борадилар.

Анжуман муҳокамасига қўйилган мавзу бўйича "Она тили таълими жараёнида ўқувчилар ижодий тафаккурини шакллантириш масалалари" (Б.Ўринбоев), "Ижодий тафаккурни ривожлантириш технологияси ва она тили дарсларида ўқувчининг мустақил фаолияти" (Г.Неъматова) қўлланмалари чоп этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, анжуман ташкилий қўмитасига 500 дан зиёд маъруза тезислари келиб тушди. Улардан 320 таси дастурга, 100 га яқини тезислар тўпламига киритилиб нашр эттирилди.

Анжуманга тайёргарлик жараёни Фарғона вилоятида ҳам ўзига хос тарзда олиб борилмоқда. "Ўзбек тили" доимий анжуманини ўтказиш бўйича вилоятда ташкилий қўмита шакллантирилиб, фаолият кўрсатяпти. Бир неча марта ташкилий қўмита йиғилишлари ўтказилиб, анжуманга тайёргарликнинг бориши муҳокама этилди. Вилоят ҳокимлигининг махсус фармойиши қабул қилинган.

Вилоят халқ таълими бошқармасида анжуманни ўтказиш бўйича шўъба йиғилишлари ўтадиган муассасалар белгиланган. Ҳар бир белгиланган объектда ўзига хос тарзда тайёргарлик ишлари қизғин кетмоқда. Ҳар бир шаҳар, туманда анжуманнинг юқори савияда "Тил байрами" тарзида ўтказилишига диққат-эътибор қаратилди. Анжуман кунлари ўтадиган тил байрами алоҳида танланган боғча, мактабда эмас, балки вилоятдаги барча таълим муассасаларига кириб бориши ва нишонланиши зарурлиги таъкидланган.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбек тили" доимий анжумани қарийб 11 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Анжуманнинг VI йиғини мустақил республикамизнинг 10 йиллик байрами арафасида ўтказилади. Анжумандан кутилган мақсад шуки, мазкур тадбирдан нафақат анжуман иштирокчилари, балки бутун халқ таълими наф кўриши лозим.

Қумрихон СУЛТОНОВА,
РТМ бош методисти,
филология фанлари номзоди,
"Ўзбек тили" доимий анжумани масъул котиби

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Яқинда Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда "Ёшларни турли мафкуравий тазйиқлар ва ақидапарастлик таъсиридан сақлаш муаммолари" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Маълумки, таълим ва тарбия бир-бири билан боғлиқ узвий тушунча. Йиғилганлар миллий истиқлол мафкураси, ислом дини фалсафаси орқали ёшлар онгига миллий ғурур, ифтихор туйғуларини сингдириш каби масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Бугунги кунда ўқувчиларни турли мафкуравий ва ақидапарастлик оқимларидан сақлашда ота-оналар билан ҳамкорлик, тарих фанини ўқитишнинг роли жуда яхши самара бериши, дин тарихи, ислом динининг инсоний фазилатларни шакллантириш учун хизмат қилиши барчамизга аён. Худди шу мавзуда Тошкент ислом университети кафедра мудири А.Жузжоний, Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 47-мактаб директори С.Умаровалар маъруза қилдилар.

Семинар баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар ёшларни диний экстремизм, турли мафкуравий тазйиқлар, ақидапарастлик таъсиридан сақлаш, уларнинг дунёвий, илмий-ахлоқий билимларини юксалтириш мақсадида ҳамда конференцияда айтилган фикр-мулоҳазалар асосида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқишди.

МУХБИРИМИЗ

ДИҚҚАТ, СИРТҚИ ОЛИМПИАДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги Фармонини бажариш ва ўқувчиларнинг физика, математика, иқтисодий билим асослари ва кимё фанларига бўлган қизиқишларини орттириш, масофадан туриб ўқитиш ҳамда халқаро олимпиадаларга танлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорликда физика, математика, кимё, иқтисодий билим асослари фанларидан сиртқи телевизион олимпиада ўтказмоқда.

Олимпиадада умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари қатнашадилар. Олимпиада уч босқичда (март, апрел, май ойларида) ўтказилади. Газетамизнинг шу йилги 17 март сонида 1-босқич савол ва топшириқларини эълон қилган эдик. Қуйида физика, математика, кимё, иқтисодий билим асослари фанларидан 2-босқич савол ва топшириқларини ҳавола этамиз.

ФИЗИКА

8-СИНФ

1. Фокус масофалари $F_1=F_2=F$ бўлган иккита линза бир-биридан F/2 масофада жойлашган. Предметни қаерга жойлаштирилса, унинг тасвири энг кичик бўлади?

2. Товуш иссиқ кунда узоққа тарқаладими ёки совуқ кунда? Жавобингизни асослаб беринг.

3. Нима сабабдан сув қайнагунга қадар жизиллаган овоз, қайнаётганда вақирлаган овоз чиқаради? Асослаб беринг.

4. Ҳуштакда овоз қандай пайдо бўлишини тушунтира оласизми? Ундаги товуш ингичкалиги ҳуштакнинг нималарига боғлиқ? Тажриба қилиб кўринг.

9-СИНФ

1. Массаси m бўлган жисмни қиялиги α бўлган қия текисликка қўйилса текис ҳаракат қилади. Уни қиялиги β ва баландлиги h бўлган қия текислик бошига қўйилса қанча вақтда сирпаниб тушади.

2. Массаси 5 г ва радиуси 15 мм бўлган стол тенниси шарчаси 30 см чуқурликда сувга ботирилди. Шарча қўйиб юборилганда у сувдан чиқиб 10 см баландликка сакрайди. Ишқаланиш туфайли шарчанинг қанча энергияси иссиқликка айланади?

3. Қандайдир планетада сутка давомийлиги 36 соатни ташкил этади. Экваторда эса жисмлар вазнсиз ҳолатда. Планета зичлиги нимага тенг?

4. α тезланиш билан тушаётган лифт ичида жойлаштирилган симобли барометрнинг кўрсатиши нимага тенг бўлади? Атмосфера босими P_0 га тенг.

10-11 СИНФ

1. Расмда келтирилган схемадаги K калит уланса миллиамперметр орқали қанча заряд оқиб ўтади?



2. Энергияси 10^{-15} Ж бўлган нейтрон тинч ҳолатда турган қадмий ядроси томонидан ютилади. Ҳосил бўлган ядронинг тезлигини топинг.

3. Массаси m бўлган идеал газ $T=\alpha V^2$ қонуният бўйича ўзгаради. Газ ҳажми V_1 дан V_2 гача ортганда бажариладиган ишни график усулда аниқланг. Бу жараёнда иссиқлик ютиладими? Газнинг молекуляр оғирлиги. μ

4. Массаси m_0 заррача қандай тезлик билан ҳаракатланганда унинг кинетик энергияси тинч ҳолатдаги энергиясига тенг бўлади?

МАТЕМАТИКА

8-СИНФ

1. Ҳеч бир натурал n да $7 \cdot n+3$ сонни бирор натурал соннинг квадратига тенг бўла олмаслигини исботланг.

2. Тўғри тўртбурчак 1 см x 1) см ўлчамли катакчаларга ажратилди. Ҳар бир катакчага сон ёзилди. Ҳар бир сатрдаги сонлар йиғиндиси 1 га, ҳар бир устундаги сонлар йиғиндиси 2 га тенг. Тўғри тўртбурчакнинг юзи 2000 га тенг бўлиши мумкинми?

3. ABC учбурчак ҳақида учта тасдиқ айтилди:
а)ABC учбурчак-тўғри бурчакли;
б) ABC учбурчак-тенг ёнли;
в) ABC учбурчакнинг бир бурчаги 450 га тенг.
Агар бу тасдиқларнинг фақат иккитаси тўғри экани маълум бўлса, ABC учбурчакнинг бурчакларини топинг.

4. 100 та турли шарлар бир қатор қилиб қўйилган. Бир қадамда бирор шарнинг икки ёнида турган шарларнинг ўринларини алмаштириш мумкин. Бир неча қадамда шарларни тескари тартибда жойлаштириб чиқиш мумкинми?

9-СИНФ

1. Ихтиёрий натурал n учун n^3-1 сони иккининг даражаси эмаслигини исботланг.

2. Ихтиёрий мусбат a,b,c лар учун қуйидаги тенгсизлик ўринли эканлигини исботланг.

$$\frac{a^2}{(a+b)(a+c)} + \frac{в^2}{(b+c)(b+a)} + \frac{c^2}{(c+a)(c+b)} \geq \frac{3}{4}$$

3. Айтайлик ABCD квадрат бўлсин ва E, F нуқталар мос равишда AB ва AD томонларга тегишли. Агар P нуқта EF ва AC ларнинг кесишиш нуқтаси бўлса, қуйидагилар исботлансин.

а) $\frac{1}{AE} + \frac{1}{AF} \geq \frac{\sqrt{2}}{AP}$

б) $AP^2 \leq \frac{AE \cdot AF}{2}$

4. Нолдан фарқли ҳақиқий x,y,z, ва t лар қуйидаги тенгликларни қаноатлантирсин:
$x+y+z=t$

$$\frac{1}{x} + \frac{1}{y} + \frac{1}{z} = \frac{1}{t}$$

$x^3+y^3+z^3=1000^3$
у ҳолда $x+y+z+t$ йиғиндининг қиймати топилсин.

10-11 СИНФ

1. Агар a, b, c, d сонлар қуйидаги шартларни қаноатлантирса,
$a+в+c \leq 3d$,
$b+c+d \leq 3\alpha$,
$c+d+a \leq 3b$,
$d+\alpha+b \leq 3c$,
уларни таққосланг.

2. Ихтиёрий мусбат рационал сонни қуйидаги шаклда ёзиш мумкин эканлигини исботланг.

$$\frac{a^3 + b^3}{c^3 + d^3}$$

бу ерда α, b, c, d-натурал сонлар

3. Айтайлик $P_1 P_2 \cdots P_n$ текисликдаги қаварик кўпбурчак бўлсин. Агар ихтиёрий равишда танланган P_i ва P_j учлар учун кўпбурчакни шундай учи топилсаки, натижада шу учдаги P_iP_j кесма 60^0 ли бурчак остида кўрилса, у ҳолда n=3 эканлигини исботланг.

4. Агар ABCD қаварик тўртбурчакка ташқи айлана чизиш мумкин бўлса, у ҳолда қуйидаги тенгсизлик исботлансин.
$[AB-CD]+[AD-BC] \geq 2[AC-BD]$

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

8-9 СИНФ

1. Корхона банкдан 10 ой муддатга 1000 сўм қарз олди. Банкдан олинган қарзнинг йиллик фоиз ставкаси 48 фоизни ташкил қилса, корхона 10 ойдан сўнг банкка қанча пул қайтариши керак.

2. Бозордаги нонниг нархи нима сабабдан 50 сўм эканлигини асосланг.

3. Айтайлик, шаҳрингиз (туманингиз) марказида бўш ер майдони бор. Ҳокимият бу ерда касалхона, универсам, теннис корти ёки мактаб қуриши мумкин. Афсуски, бу майдонга фақат битта муассасасини қуриш мумкин. Иккинчи томондан эса ҳокимиятнинг фақатгина битта муассасани қуришга маблағи бор. Танлаш имконияти сизга берилганда эди, сиз нимани қуришга қарор қилган бўлар эдингиз? Танловингизни асосланг ва унинг муқобил қийматини аниқланг.

4. Фараз қилайлик, сиз боқиб, семиртирган хўкизни қўшнингизга сотмоқчисиз. Хўкизни қайси нархда сотишни қандай аниқлайсиз?
1. қўшнингиз таклиф қилган нархда сотасиз;
2. қассоб танишингиз айтган нархда сотасиз;
3. ўзингиз белгилаган нархда сотасиз;
4. бозорга олиб чиқиб, бозор нархини аниқлаб сотасиз;
Жавобингизни асосланг.

5. Қуйидаги омиллар таъсирида товарга бўлган талаб чизиғи қайси томонга силжишини аниқланг:
а) аҳоли сонининг ўсиши;
б) истеъмолчилар даромадларининг камайиши;
в) товар ўрнини босувчи бошқа товар нархининг камайиши;
г) тўлдирувчи товар нархининг ошиши;
д) товар нархи ошишининг кутилиши;
е) истеъмолчилар даромади ошишининг кутилиши.

10-11 СИНФ

1. 1999 йили пиёз кўп етиштирилиб, бозорда унинг нархи анча арзон бўлди. 2000 йил кузига келиб эса пиёзнинг нархи жуда қимматлашиб кетди. Бунга нима сабаб бўлган деб ўйлайсиз? 2001 йил кузига бориб, пиёзнинг нархи қандай бўлиши ҳақида бирор бир фикр айта оласизми? Фикрингизни асосланг.

2. Макароннинг таклиф чизиғи йил бошидаги вазиятига нисбатан а) чапга; б) ўнгга сурилса, бу нимани англатади? Бу ўзгаришлар қайси омиллар таъсирида содир бўлиши мумкин?

3. Фирма совутгич нархини 200000 сўмдан 180000 сўмга туширди. Бунинг натижасида совутгични сотиш ҳажми ҳафтасига 400 донадан 480 донага ортди. Совутгичга бўлган талабнинг нарх бўйича эластиклигини ҳисобланг.

4. Товарга бўлган талабнинг нарх бўйича эластиклик кўрсаткичи 1,2 га тенг. Агар товарнинг нархи 10 фоиз ошган бўлса, унга бўлган талаб миқдори неча фоизга камайган? Ялпи даромад-чи?

5. Акциянинг номинал баҳоси 1000 сўм бўлиб, ундан олинган йиллик дивидент 200 сўмни ташкил қилди. Банк йиллик қарз фоиз ставкаси 10 фоизни ташкил қилган бўлса, акциянинг курси ва 100 дона акцияни сотишдан олинадиган фойда миқдорини ҳисобланг?

КИМЁ

8-СИНФ

1. Миснинг мис (II)-оксид билан аралашмасига нитрат кислотанинг 30 фоизли эритмаси билан ишлов берилганда 2,8 л азот (II)-оксид ажралиб чиққан. Аралашмада мис 40 фоизни ташкил этиши маълум бўлса, нитрат кислота эритмасидан қанча сарф бўлади?

2. 234 г ош тузига концентратланган сульфат кислота таъсир эттириб олинган водород хлорид 354 г сувда эритилганда ҳосил бўлган эритманинг фоиз, моляр ва нормал концентрациялари қандай бўлади?

3. Учта цилиндр берилган. Уларнинг бирида кислород, иккинчисида азот, учинчисида аргон бор. Ҳар бир цилиндрда қайси газ борлигини қандай реакциялардан фойдаланиб аниқлаш мумкин? Жавобингизни реакциянинг тенгламаларини келтириб исботланг.

4. Аэростатларни водород билан тўлдиришда кальций гидридни сувга таъсир эттиришдан фойдаланилади. 560$м^3$ ҳажмдаги аэростатни водород билан тўлдириш учун қанча кальций гидрид талаб этилади?

9-СИНФ

1. Водород сульфиднинг сувли-метанолли эритмасида неча хил водород боғланиш мавжуд? Қайсиниси энг мустаҳкам?

2. Нима учун карбонат кислота карбон кислоталаридан кучсиз? Жавобингизни мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

3. Метан, водород ва углерод (II)-оксиддан иборат 1 л газлар аралашмасининг 18^0C ва $9,64 \times 10^4$ Па босимдаги массаси 0,8 г ни ташкил этади. Шу аралашманинг 1 ҳажмини тўлиқ ёқиш учун 1,4 ҳажм кислород сарф бўлса, аралашмадаги газларнинг ҳажмий улушини ҳисобланг?

4. Темир (II)-ва темир (III) нитратлар аралашмасини юқори ҳароратда қиздирилганда аргонга нисбатан 9 фоиз оғирроқ бўлган газлар аралашмаси ҳосил бўлди. Қаттиқ аралашманинг массаси реакциядан сўнг неча маротаба камайди?

10-11 СИНФ

1. Бензой, салицил, n-оксибензой ва 2,6-диоксибензой кислоталарининг pK_a қийматлари 4,20; 2,98; 4,58 ва 1,30 га тенг. PK_a қийматларининг нима учун шундай фарқ қилиш сабабларини тушунтиринг.

2. Қуйидаги ўзгаришларни амалга оширинг



Реакция шартларини ва ҳосил бўлган А, Б, В, Г, Д, Е маҳсулотларни кўрсатинг.

3. C10 H14 таркибли ароматик углеводород ёруғликда қиздирилганда учта монохлорли ҳосилани, нитратловчи аралашма билан эса битта нитроҳосилани ҳосил қилади. Углеводороднинг тузилишини аниқланг.

4. Қуйидаги кимёвий бирикмани номланг.



Ҳурматли ўқувчилар!
Савол ва топшириқларга жавобларингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:
700011. Тошкент-11. Навойи кўчаси, 69.
Ўзбекистон телевидениесининг "Маърифат" бош муҳарририяти "Сиртқи олимпиада" кўрсатувига.



Қарши шаҳридаги маданият техникумининг янги мақомдаги педагогика касб-ҳунар коллежига айлантирилганига ҳам мана, 2 йил бўлаяпти. Шу қисқагина давр ичида бу ерда нафақат коллеж биноси янгидан қурилди, балки таълим-тарбия мазмунига ҳам муайян янгиликлар киритилди.

Коллежда ёшларга илм сирларини замонавий усуллар орқали ўргатишда ўқитувчилар учун ҳам, талабалар учун ҳам барча шарт-шароит яратилган.

Суратларда: коллеж хор-оркестр бадиий дастаси ижрочилари

Ш.ШАРИПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҲАРАКАТГА БАРАКАТ

Ҳар қандай қилинган меҳнатнинг қай даражада самара бериши ўша меҳнат жамоасида ташкил қилинган муҳит ва шароитдан келиб чиқади. Шароит яхши бўлган жойда ривожланиш юқори бўлади. Акмал Икромов номли 44-мактаб Жиззах вилояти Ғаллаорол туманининг марказида жойлашган. Қуниш Тўхтамишев раҳбарлик қилиб келаётган мактабда бугунги кунда ўн икки хил миллат болалари бўлган 1300 нафар ўқувчи икки тилда таълим олиб келишмоқда. Ўқувчиларга 85 нафар ўқитувчи таълим - тарбия беришади. Мактабда қилинаётган ишларнинг натижаси ўлароқ, туман ва вилоят фан олимпиадаларида 44 - мактаб ўқувчилари етакчи ўринларни эгаллаб келишаётир: 11 - синф ўқувчиси Анастасия Мамашева рус тили ва адабиёти фанидан вилоятда 2 - ўринни, Руслан Абдулманов рус синфларида ўзбек тили фани бўйича вилоятда 2 - ўринни эгалладиларки, бу мактаб жамоасининг, қолаверса, мактаб раҳбарининг таълим жараёнига эътиборини кўрсатади. 1971 йили Самарқанд давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатиб, кўп йиллар ўқитувчи, туман халқ таълими бўлими услубчиси, мактабда илмий бўлим мудири, директор ўринбосари вазифаларида ишлаган Қ. Тўхтамишев ҳозирги кунда мактабда вояга етмаган ёшлар билан ишлашга катта эътибор қаратмоқда. Унинг ташаббуси билан суст ўзлаштирувчи ўқувчига аълочи, жамоатчи ўқувчилар бириктирилди. Синф раҳбарлари ота - оналар билан доимий алоқада бўлиб, ўқувчи маънавиятини шакллантиришда бирга хизмат қилишади.

Шунингдек, мактабда футбол, волейбол, баскетбол, кураш, шахмат - шашка тўгараклари ҳам фаолият юритади. Катта теннис бўйича спорт майдончалари ҳам мавжуд. Мактабда спортга қаратилган бу эътибор ўқувчилар назаридан четда эмас. Улар туман, вилоят бўйича турли спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаб келишаётир.

Ҳаракат муҳитни юзага кетиради. Ҳар қандай муҳитда қилинган эзгу ҳаракат ортида эса барака бўлади. Қ. Тўхтамишев раҳбарлигидаги мактаб жамоаси ҳақли равишда ҳаракатига яраша натижага эришяптилар.

Ш. НИШОНОВ

"Ҳар ишни қилсаки одамизод, тафаккур бирла қилмиш одамизод"

Мусобақада энг улкан ўлжани мактаб ўқувчиси қўлга киритганига кимдир "қуйди", кимдир кулди... Ахир, бу омад-да...

САҲНАДА—СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрида "Султон Жалолиддин" спектаклининг премьераси ўтказилди.

—Мозий биз учун сабоқ. Боболар жасорати эса ёшларимизни ватанпарварлик руҳида улғайтиради, —деди асар режиссёри Айладур Ўталиев "Туркистон-пресс" мухбирига. —Бу ижодий ишимизни мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишладик. Шунингдек, "Абай", "Амир Темурнинг бир куни" ва бошқа бир қатор спектаклларимиз ҳам томошабинлар томонидан юксак баҳо олди. Шу кунларда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган кўрик-танловда қатнашиш учун тайёргарлик кўраяпмиз.

Спектаклни таниқли режиссёр Айладур Ўталиев саҳналаштирди. Асосий ролларни Қ.Қудойберган, Тилепқалиев, Халипа Нағимбаев, Бахтигул Муротова ва бошқалар моҳирлик билан ижро этишди.

"Туркистон-пресс"

ТАЛАНТ-ШОУ

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари ўртасида "Талант-шоу" деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ушбу тадбирнинг мақсади ёшларимизнинг чет тилларига бўлган қизиқишлари ва уларни қай даражада билишларини аниқлашдан иборат эди.

Барча талабалар ўз маҳоратларини ишга солиб, талант ва иқтидорларини намойиш этишди. Танловга Американинг GLOBAL SUPPORT ACT ташкилоти ҳомийлик қилди. Ҳайъат аъзолари сифатида бир гуруҳ америкалик ўқитувчилардан сайланди. Танловда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабалари 1-ўринни эгаллашди. Танлов ниҳоясида ғолиблар совғалар билан тақдирланди.

Равшан ДЕҲҚОНОВ

СУВ — АЗИЗ НЕЪМАТ

Оролни қутқариш халқаро қўмитаси ОҚХЖ ИҚ раиси Ўзбекистон миллий ишчи гуруҳи

Бугун сув тақчиллиги муаммоси барчани жиддий ташвишга солаётгани сир эмас. Президентимиз Ислом Каримов ҳар гал қишлоқ аҳли, миришкор деҳқонлар билан учрашганида, албатта, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва умуман, сув билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш лозимлиги тўғрисида жон куйдириб гапириши ҳам унинг ечимини топиш айни кундаги жиддий масалалардан бири эканини англатади.

Куни кеча Қозоғистоннинг Оқмола область Боровое қўрғонида бўлиб ўтган "Сув ресурсларини миллий ва минтақавий бошқариш даражалари" мавзуидаги халқаро анжуман ҳам ушбу муаммога бағишланди. Анжуманда "Бу йилги деҳқончилик мавсуми қандай бўлади?", "Қурғоқчилик қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига хавф солмайдими?", "Умуман, жамоатчиликда сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини тезроқ шакллантиришнинг афзалроқ усуллари борми?", "Сувдек азиз неъматдан фойдаланишда жаҳон халқлари қандай тажрибага эгалар?", "Уларнинг яхши томонини ўрганиш, жорий этиш мумкинми?" — каби қатор саволларга жўяли жавоб топишга уринилди. Унда Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистондан ҳукумат ва турли манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси ижроия қўмитаси (ОҚХЖ ИҚ), GEF лойиҳаси HASKONING компанияси, Жаҳон банки, ЮНДП, SPECA лойиҳаси ва бошқа минтақавий ташкилотларнинг кузатувчи ва мутахассислари иштирок этишди.

Анжуманни кириш сўзи билан очган ОҚХЖ ИҚ техник директори Усмон Сапаров Орол денгизининг бугунги аҳволи тўғрисида қисқача ахборот берди. Сўнгра GEF лойиҳаси раҳбари Рим Абдулович Гиниятуллин "Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурслари ва атроф-муҳитни бошқариш" мавзуида маъруза қилиб, GEF бўйича халқаро маслаҳатчилар масалалари, лойиҳа ишини давом эттириш, сувга нисбатан фалсафий ёндашувни юзага келтириш каби муаммолар хусусида атрофлича тўхталди.

Анжуман давомида Қозоғистон Республикаси сув ресурслари қўмитаси раиси А.Рамазонов, Туркманистон Табиат ва атроф-муҳитдан фойдаланиш вазири М.Ражабов, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, сув хўжалиги департаменти бош директори А.Жалолов, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси бош бошқармаси раҳбари С.Мирзаев ва бошқалар сўзга чиқишди.

Анжуманда сўзга чиққан HASKONING маслаҳатчилар гуруҳи компанияси раҳбари Герт Слюмер тақдим этилаётган "Минтақавий ва миллий режалаштириш ва раҳбарлик тамойиллари" ҳисоботига тўхталаркан, ушбу ҳисоботга иш ҳужжати сифатида қараш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Анжуман ниҳоясига етгач, унинг иштирокчиларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари, сув хўжалиги департаменти бош директори А. Жалоловдан йиғин таассуротлари ҳақида сўрадик. "Анжуман танқидий руҳда ўтди, — деди у. — Унда билдирилган янгидан-янги фикр-мулоҳазалар келгусида мўлжалланаётган амалий ишларга пойдевор бўлиши шубҳасиз. Айниқса, GEF лойиҳасининг "Сув ресурсларини бошқариш" А1 компоненти иштирокчилари — HASKONING компанияси халқаро маслаҳатчилари миллий ишчи гуруҳи иштирокида тайёрланган 1-минтақавий ҳисоботнинг муҳокамаси юзасидан билдирилган таклифлар амалий аҳамияти билан қимматлидир".

Анжуманда маъруза билан қатнашган GEF лойиҳаси раҳбари Рим Абдулович Гиниятуллин ҳам ўз мулоҳазаларини биз билан ўртоқлашаркан, муаммони бир лойиҳа доирасида ҳал этиш қийинлиги, шунга қарамай, халқаро ташкилотлар кўмагида уни ҳал этиш йўл-йўриқлари изланаётганини айтди. — "Назаримда, сувга нисбатан янгича фалсафий ёндашмоғимиз шарт. Негаки, бизда фақат бир йўл бор, у ҳам бўлса борини авайлаб-асраш, ундан тежаб-тергаб фойдаланишдир. Агарки, ана шу фикрларни кенг жамоатчилигимизга етказа олсак, бундай ёндашув ҳар бир онгли кишининг юрагидан ўрин олса, ўйлайманки, кўзлаган ниятимизга етамиз", — деди у сўзининг якунида.

Бир сўз билан айтганда, мазкур минтақавий анжуман сувдек ноёб неъматни эъзозлаш, тежаб-тергаб ишлатиш орқали сув тақчиллиги муаммосини бартараф этиш йўлида ҳамкорликда ташланган навбатдаги қадам бўлди.

Саида ЁМҒИРОВА,
ЎзМУ магистранти

"ТАФАККУР" КЕНГЛИКЛАРИДА



Мана, янги асрнинг, қолаверса, янги минг йилликнинг учинчи ойини ҳам якунладик. Гарчи тарих чизғичида бир миллиметрчалик ҳам жойни олмаса-да, бу уч ой ичида юртимизда бир қанча эътиборга молик саналар бўлди. Ана шу саналарга бағишланган, чуқур таҳлилларга бой мақолалар билан тулган "Тафаккур" журналининг ушбу йилдаги дастлабки сони нашрдан чиқди.

"Алишер Навоий — иккинчи минг йиллик даҳоси" сарлавҳаси остида забардаст адабиётшунослар, шоир ва адиблар Эркин Воҳидов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов, Муҳаммаджон Қодиров, Эргаш Очилов, Турсуной Содиқова, Ваҳоб Раҳмонов, Ҳасан Ражабий, Эш-қобил Шукур, Усмон Қучқор, Асқар Маҳкам, Иқбол Мирзоларнинг буюк мутафаккир бобомиз таваллуди муносабати билан берилган мақолаларини ўқиб, ҳазрат Навоий ижодига янгича ёндашув, шу билан бирга унинг мероси ва шахсини ўрганишдаги муаммоларни билиб олсак, "Тарих ва тараққиёт" рукнида берилган "Заковат силсиласи", Элвин Тоффлер қаламига мансуб "Келажак одами" номли мақолаларни ўқиб чуқур ўйга толамиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Ориповнинг қутлуг 60 ёшга тўлишига табрик сифатида журналга киритилган шоирнинг янги шеърлари ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шунингдек, журнал саҳифаларидан "Янги аср таълимоти"(Султонмурод Олим), "Инсон, маънавият, зиддият"(Фалсафашунос олим Саидмурод Мамашокиров билан суҳбат),"Жамодот синоати"(Абдуғафур Расулов), "Турланаётган сўз" (Улуғбек Абдуваҳоб) сингари мақолаларни ўқиган "Тафаккур" мухлислари, албатта хурсанд бўлади, деб ўйлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, *"Ҳар ишни қилсаки одамизод, тафаккур бирла қилмиш одамизод"* мисрасини ўзига шиор деб билган журнал таҳририяти бу шиорни оқламоқда.

Ботиржон ҒОФУРОВ

Республика "Яшил чироқ" телевизион мусобақаси мана, 30 йилдан буён давом этиб келмоқда. Яқинда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги 2-ўрта мактаб "Яшил чироқ" аъзолари Бухоро вилояти Тўқимачи туманидаги 13-ўрта мактабнинг "Ёш назоратчи" гуруҳи аъзолари билан беллашдилар.
Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Р.Альбеков олган суратлар.

Xullas...

ҲАМ БАЛИҚ , ҲАМ МАШИНА "ОВЛАДИ"

Қадимий шаҳарча Юрьевецдаги саккизинчи синф ўқувчиси Коля Козлов балиқ овига пиёда жўнаб, "Ока" машинасида қайтди. Ўйламанг, ўғирлаган деб. У Бутунроссия муз ости ови мусобақасининг ғолиби деб топилди.

Ўша куни Волга дарёси қирғоғига Украина, Белоруссия, Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларидаги бообрў балиқчилик компанияларининг юзлаб балиқчилари йиғилган эди. Ким катта балиқ овласа, соврин шуники! Омад кулиб боқишини ҳар бир балиқчи истарди. Мусобақа иштирокчиларидан бири бўйи бир метр келадиган шука балиғини илинтирди. Афсуски, у қармоқни мусобақа якунланишига команда берилгач, кўтарди.

Мусобақада энг улкан ўлжани мактаб ўқувчиси қўлга киритганига кимдир "қуйди", кимдир кулди... Ахир, бу омад-да...

РАНГЛИ ҚОРЛАР

Байкалорти аҳолиси осмондан тушаётган ранг-баранг—сариқ, яшил ва нопармон қор заррачаларини кўриб, «оғизлари очилди». Ахир, қор деганлари оқ рангда бўларди...

Об-ҳавони ўрганиш марказидан берилган маълумотларга қараганда, Хитойда ва Монголияда кўтарилган кучли чанг бўрони осмонга учиб чиқиб, бу циклон Байкалорти томон оқиб ўтган. Қум зарраларининг чангланган ўсимликлар билан реакцияга киришиши оқибатидаги рангли қорлар Чита вилоятида ҳам ёққан.

ҚАНОТЛИЛАР ШАЙДОСИ

Дунёда қанча қанотли ҳашаротлар борлигига қизиқиб, уларнинг вакилини тўплаб юрувчи Вадим Зарицкий 1000 тача турни йиғди. У кўп йиллардан бери Узоқ Шарқда яшаб, капалак, ниначи ва қўнғизларнинг "қотирилган" вакилларини йиққан. У буларни ўзининг бир хоналик квартирасида асрайди. Энг ажойиб экспонат Швейцария соатларида ишлатиладиган товланувчи капалак қанотларидир.

ОМАДИ ЮРИШМАГАН ЎҒРИ

Ўғриликни эплай олмаса ҳам "ҳунар"ини давом эттираётганлардан бирининг боши яна деворга урилди.

Ёшгина йигитча, қиялатиб очиб қўйилган деразадан қараб, алангжаланг ичкари сакради. Узун дераза пардасига илашиб, полга қулади. Ўнг қўлининг икки бармоғи шикастланди.

Воқеанинг давоми ҳам кўнгилли кечмади. Парда осилган карниз ёғочдан экан, ўғрининг бошига қулаб тушди. Тапир-тупур устига уй эгаси етиб келди. Бу ёғи ўзингизга маълум...

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

ИККИ ЎЙИНДА 53 ГОЛ

ЖЧ—2002 саралаш босқичи Океания ва Австралия минтақаси 1-гуруҳида Австралия терма жамоаси икки ўйинда рақиблари дарвозасига 53 бор тўп киритиб, ўзига хос рекорд ўрнатди: Австралия — Тонга — 22:0, Австралия — Америка Самоаси — 31:0. Америка Самоаси дарвозасига австралиялик ҳужумчи Арчи Томпсон 13 та тўп киритиб футболчилар ўртасидаги рекордни ҳам янгилади.

ТЕННИС БАЙРАМЛАРИ

Шу йилнинг апрелидан октябр ойига қадар Ўзбекистонда теннис бўйича тўртта халқаро турнир ўтказилади. Эркаклар ўртасида "Фьючерс" турнири 21-28 апрелда Наманганда, 29 апрел — 5 май — Андижонда, 6—13 октябрь — Қарши ва 14—20 октябрда Гулистонда. Аёллар ўртасида WTA "Тошкент очиқ" 9—17 июнда, эркаклар ўртасида "Челленжер" турнирлари май, сентябр, октябрда Фарғона, Самарқанд, Бухорода, ПГР туркумидаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги" 8—16 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтади.

"МЮ" — ЧЕМПИОН

"Манчестер Юнайтед" клуби навбатдаги Англия биринчилиги тугашидан 5 тур олдин мамлакат чемпионлигини нақд қилиб қўйди. "Ковентри" клубини 4:2 ҳисобида мағлуб этган "МЮ" кетма-кет учинчи бор, охирги 9 йилда еттинчи маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

БЭКХЕМ ВА ОУЭН "МИЛАН"ДА

Италиянинг "Газетта делло спорт" газетаси тарқатган маълумотига кўра "Милан" шу йилнинг май ойида Девид Бэкхем ва Майкл Оуэнларни ўз сафига қўшиб олишни кўзламоқда. Ушбу икки футболчининг трансфер қиймати 70 млн фунт-стерлинг деб баҳоланган. "Милан" раҳбарлари эса матбуот мишмишларига изоҳ бериш истаги йўқлигини билдирган.

ҚОСИМЖОНОВГА "ТИКО"

Олимпия шон-шуҳрати музейида бўлиб ўтган учрашувда республикамизда шахмат ривожига қўшган ҳиссаси ва халқаро миқёсида эришган катта ютуқлари учун "Ўзавтохизмат" ҲЖ раиси Юсуф Асилов халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновга "Тико" автомашинасининг калитини топширди. Рустам Қосимжонов ўз навбатида юртимиз спорти шаънини янада тарғиб қилишга қўлидан келганича ҳаракат қилишини ваъда берди.

QUTLOV

Ҳурматли устозимиз Худойберди Жайнақов!

Сизни таваллуд топган кунингиз муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Берган билимингиз ва ҳаётий сабоқларингиз биз—шогирдларингиз учун ҳар дамда асқотмоқда. Ниятимиз—шундайин эзгу ишингиз ҳамиша самарали бўлсин, соғ-омон бўлинг!

Нуробод туманидаги 56-мактаб жамоаси ва бир гуруҳ шогирдларингиз.

Қадрдон ҳамкасбимиз Менгтўра Мўминов!

Табаррук 50 ёшингиз муборак бўлсин. Доимо ёшларнинг суюкли устози, меҳрибон дўстимиз бўлиб қолаверинг. Касбингизга барака тилаб

Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги 25-мактаб жамоаси

Пойтахтдаги 307-мактаб юқори малакали ўқитувчиларни "Билимдон" ўқув марказида қўшимча ишлаш учун суҳбатга чақиради. Манзилими: 16,21,30 автобусларнинг "Шампан виноси" заводи бекати. Тел: 169-60-56

ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ЎзДЖТУнинг халқаро журналистика факультетида яқинда Ўзбекистон радиоси ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувнинг асосий мақсади даргоҳда бўлажак журналистларни тайёрлаш иши билан танишиш ҳамда бевосита улар билан ўзаро фикр алмашиш эди. "Малакали журналистларга айни дамларда эҳтиёжимиз ниҳоятда катта. Иш фаолиятимиз мобайнида қийнайдиган нарса ҳам кадрларнинг етишмаслигидир", дейди Ўзтелерадиокампанияси раис муовини Фахриддин Низомов. Факультетда ўнга яқин хорижий тилларни чет элдан келган ва айни пайтда АҚШ, Англия, Франция, Испания, Ҳиндистон каби мамлакатларда малака ошириб қайтган профессор-ўқитувчиларнинг дарс бериши меҳмонларда қизиқиш уйғотди.

Учрашув жуда ҳам самимий бўлди. Унда мавжуд муаммолар, дастур тайёрлаш мобайнидаги камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида очиқ суҳбат бўлиб ўтди. Талабаларга журналистлар ўзларининг қимматли маслаҳати ҳамда таклифларини бердилар. Кеча Юнус Ражабий номли мақом ансамбли ва Ғанижон Тошматов номли дуторчилар ансамбли санъаткорларининг куй-қўшиқлари билан якунланди.

Дилноза КУРЧИЕВА,
талаба

ЖЎШҚИНЛИК СИРИ

Биз бадиий асарларни севиб мутолаа қиламиз. Шундай асарлар борки, уларни бир бор ўқиб ташлаб қўямиз, бошқаларини эса қайта-қайта варақлаб чарчамаймиз. Халқда "жўшиб кетаяпман, ич-ичимдан тўлқинланиб, қайнаб кетаяпман" ёхуд "эзилиб кетаяпман" деган гап бор. Бадиий адабиётда шундай ҳолатни пафос дейдилар.

Бу кўтаринки руҳ, зўр эҳтирос дегани. Ёзувчининг ўз асарига мана шундай ҳиссиётларни сингдириб юбориши, қалбидаги дардларини, ҳасратларини бадиий ифодалаши пафосдир. Айтилмаган армонларни куйлаш, юрак-юракдан ёниб тасвирлаш, инсон руҳиятини—ички дунёсини ёритиб бериш санъатидир.

Китобхон асар қаҳрамонининг қайсидир жиҳатини ўзида кўради, баъзи ишларидан хурсанд бўлса, баъзиларидан жирканади. Асар инсон руҳиятига таъсир қилмас экан, у қадрсизланади, ҳеч ким уни ўқимайди. Илмий асарлардан керакли маълумотларни оламиз, аммо баъзан зерикамиз. Бадиий асарни ўқиганда ҳар сафар янги нарсаларни, ҳолатни кашф этамиз. Ўзимизни шу қаҳрамонлар ўрнида тасаввур қиламиз, қалбимиздаги дардларни қаҳрамон ички дунёсида учратиб, уни севиб қоламиз.

Насримизнинг етакчи ижодкорларидан бири Тоғай Мурод соф миллий ўзбек қиссалари яратади. У она юрти кишиларининг мардона феъл-атвори, ўй-хаёлларию орзу-умидлари, муҳаббатлари, ўзларига хос руҳиятини бадиий ифодалайди. "Юлдузлар мангу ёнади" қиссасида халқимиз урф-одатлари, анъаналарини фахр билан тасвирлайди.

Олишиш (кураш) санъатини моҳирлик билан кўрсатади. "Полвонлик бизга ота мерос, пуштдан-пуштга, қондан-қонга ўтиб келяпти. Полвонликнинг кўзга кўринмас, тил билан тушунтириб бўлмайдиган шундай сирлари борки, буни фақат томирида полвонлик қони борларгина билади, Биз биламиз! Бу сирлар ҳеч бир китобда йўқ".

"Халқ нимаси билан халқ? Эзгу урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган яхши анъаналари билан халқ! Кўпчилигини билиб-билмай унутиб юбордик. Ахир халқ соф тили, пок дили, аллаю гиряси билан, меҳнату матонати билан халқ".

"От кишнаган оқшом" қиссасида чавандоз-улоқчилар ҳаёти, кўпкари санъати моҳирлик билан ёритилади. Бу асарда от, уни танлаш, парваришлаш ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Сиз бу нарсаларни бошқа асарлардан топа олмайсиз. "От одамга эл бўлади. Боиси отнинг жони бор, юраги борда! Тўрт оёқли жонивор от бўлаётиб... ҳа-ҳа, от бўлаётиб... нима феъл-атвор топса, шу феъл-атворида қолади. Нима қилиқ топса, шу қилиғида қолади. Биродарлар, сара от, чавандоз ақлзаковатидан бино бўлади! Сара от, чавандоз қалб кўридан бино бўлади."

"Кишнаш кўрдим, аммо бу оқшомдагидайини кўрмадим. Кишнаш кўнгилкўнглимни ювиб юборди, вужуд-вужудимни қақшатиб юборди. Тарлон қаҳр ҳам изтироб билан кишнади. Оқшом кишнашдан зир титради."

"Аё, Тарлон, сен менинг қиёматли биродаримсан, қиёматли биродарим..."

Тоғай Мурод асарни ташқаридан эмас, ичдан туриб, "полвон", "чавандоз" бўлиб ёзган. Қалбидаги эҳтирос, кўтаринкиликни қиссаларига кўчирган. Зеро, ёзувчи асарни беэҳтирос, бефарқ ёза олмайди. Асарга ҳарорат берган эҳтирос эса ёзувчининг бутун ижодини, маънавий ҳаётини ичидан тўлдириб турган интилишнинг, фидокорликнинг, қисқаси, зўр эҳтиросининг учқунидир.

Умида ТЎЛАГАНОВА,
ЎзМУ филология факультети талабаси

Mutoala

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Маърифат-Зиёкор» жамоа корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 416-хона. Тел. 136-51-95

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари таҳририятда терилди IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Дилбар ХЎЖАЕВА,
навбатчи: Шерзод АХМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2217. Тиражи 38.105.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.